

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА МУЗЕЙ ТАРАҚҚИЁТИ.

*Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Хотира ва
қадрлаш бўлими мудир
Донохон Шайхитдинова*

Дунёда ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган юрт ҳақида қалбининг энг тубидан бирор бир сатр, эзгу сўз ёзишни орзу қилмаган инсон бўлмаса керак. Чунки, она юртнинг қуёшига, ҳавосига болалик излари қолган тупроғига ҳеч бир ма-коннинг бебаҳо неъматлари тенглаша олмайди. Инсон борки, қаерда бўлмасин, она юртининг оғушига интилади, унинг муҳаббати билан яшайди, унинг тўғрисида бирор самимий сўз айтишдан ўзини бахтли деб ҳисоблайди. Шундай бебаҳо бахтга даъвогар бўлиш бизга насиб этганлигидан фахрланамиз. Бугун унинг бағрида бахтли яшаётганимизнинг шукронаси сифатида истиқлол ҳақида ёзмаслигимизнинг ўзи гуноҳ деб биламиз.

Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси Давлат Мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарори юртдошларимиз томонидан кўтаринки кайфиятда кутиб олинди. Бугун шаҳару қишлоқларимизда энг улуғ, энг азиз айёмни муносиб нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. Мана шундай шукуҳли дамларда босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, барча соҳаларда эришилган улкан муваффақиятлар мисолида “ИСТИҚЛОЛ” деб аталмиш бебаҳо неъматнинг қадрини янада теранроқ ҳис этамиз.

Мустақиллик туфайли янги тарихий шароит Республикамизни музейлари учун улкан имкониятлар, ёрқин истиқболлар яратди.

Жумладан, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи жамоаси Ўзбекистон Республикаси Маданият Вазирлиги, вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят Маданият бошқармасининг қарорлари асосида музей





фаолиятини замон талабларига мос юқори савияга кўтариш, мамлакатимиз музейлари орасида ўз ўрни, нуфузига эга бўлишни таъминлаш мақсадида кизгин ишларни олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилдаги “Музейлар тўғрисида”ги Қонунига амал қилган ҳолда Наманган вилоят музейининг ижтимоий-илмий-маърифий ва ташкилий ишларида жуда катта силжишлар бўлдики, муассаса қисқа муддат ичида Республика музейлари орасида алоҳида нуфузига, ўрнига эга бўлганлиги қувонарли ҳолдир.

Айни пайтда музейда “Табиат” , “Тарих”, “Санъат”, “Илмий фонд хазинаси”, “Адабиёт”, “Маънавият”, “Мустақиллик йилларида Наманган”, “Хотира ва қадрлаш” бўлимлари мавжуд бўлиб, ўз фаолиятини олиб бормоқда. Музей илмий ходимларининг сайи-ҳаракатлари эвазига йилдан-йилга музей хазина фонди янги экспонатлар билан бойиб бормоқда.

Ҳозирги кунда экспонатлар сони 96 мингдан ортиқ эканлиги ва улар орасида узоқ ўтмиш аجدодларимиз турмуш тарзидан садо берувчи ноёб-нодир, экспонатлар ҳам шу давргача етиб келганлигининг ўзи музей нуфузини англади.

Мустақилликдан аввал музейнинг яна бир муҳим соҳаларидан бири бўлмиш музейдан ташқарида олиб бориладиган тадбирлар фақатгина Наманган шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида ўтказиладиган анъанавий “Туллар байрами” кунлари ташкил этиладиган кўчма кўргазма билан қифояланиларди ҳолос. Эндиликда хазина бўлимида сақланаётган сара экспонатлардан ташкил этилган бой мазмундаги кўчма кўргазмаларни ташкил этиб, вилоятимизнинг энг чекка жойларида намоиш этиш анъанавий тусга кирди. Натижада музей аждодларимизнинг нодир, ноёб экспонатлари билан вилоятнинг чекка қишлоқ аҳолисини ва ёшларни таништирамоқда.

Ҳар йили музейдан ташқарида вилоятнинг Тўрақўрғон, Наманган, Чуст, Поп, Учқўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон, Косонсой, Мингбулоқ, Норин туманларида музейнинг кўчма кўргазмалари ташкил этилмоқда.



Музейда “Мустақиллик байрами”, “Ватан ҳимоячилари куни”, “Халқаро хотин-қизлар байрами”, “Наврўз”, “Хотира ва кадрлаш куни”, “Қатағон қурбонлари куни” ва бошқа оммавий байрамлар катта шукух билан нишонланиб келинмоқда.

Бундан ташқари муҳим саналар, тарихий шахслар, кўргазмалар, очик дарслар орқали эса мавзуй тарғибот ишлари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, ҳар йили 2-8 сентябрь кунлари ўтказиладиган “Музейлар ҳафталиги” тўғрисидаги Вазирлик Қарор ва буйруқларини ижро этиш мақсадида музейда жуда катта тадбирлар ишлаб чиқилдики, бу орқали ёшларимизга мустақил Ватаннинг 28 йил мобайнида қўлга киритган ютуқлари ва аجدодларимиз мероси билан таништиришни мақсад қилиб қўйилган.

Истиқлол шарофати билан музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига эътибор берилиши туфайли илмий ходимлар томонидан кўплаб, ранг-баранг илмий мақолалар чоп этила бошланди. Булар орасида “Мозийдан садо”, “Гулистон” каби республика журналлари, республика, вилоят газеталарида илмий ходимларимизнинг илмий мақолаларини чоп этирилаётганлиги диққатга сазовордир. Айниқса, музей фаолиятига доир, бу ерда сақланаётган нодир- ноёб ашёлар тўғрисида илмий рисоалар 2019 йил 6 ой давомида 30 дан зиёд, илмий мақолалар эса 2019 йил 6 ой давомида мисолида 55 дан зиёдни ташкил этди. Жумладан, **“Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи: кеча ва бугун”**, **“Ўткир Исломов ва унинг Ўзбекистон археологиясида тутган ўрни”**, **“Асрлар давомида илм-фан ва маданий тараққиёт”**, **“Мустақил юрт қаҳрамонлари”**, **“Суратлар сўйлаганда”**, **“Ўзбек миллий ҳунармандчилиги тарихига бир назар”**, **“Театр бу- инсон қалбига йўл”** рисоаларни, **“Музей тарихига бир назар”**, **“Миллат ҳами, ватан қайғуси билан яшаган инсон”**, **“Қадимги йўллар”**, **“Адабиёт музейи қайта тикланса”**, **“Подвиги наманганцев в годы войны”** каби мақолаларни номларини келтириш мумкин.



Бундан ташқари Вилоят сайёҳлик агентлиги бўлими билан ўзаро шартнома тузган ҳолда қўшни Андижон, Фарғона вилоят сайёҳлик агентликлари орқали водий аҳлини музей кўргазма залларида сақланаётган аجدодларимиз мероси бўлмиш нодир-ноёб экспонатлар билан таништириш орқали водий ёшлари онгида аجدодлар меросига меҳр муҳаббат туйғуларини янада кучайтирди десак муболаға бўлмас.

Қирғиз-Ўзбек халқларининг қадимдан уланиб келган ришталарини мустаҳкамлаш мақсадида ҳамда давлат раҳбарларининг саъйи-ҳаракатлари натижасида мамлакатларимизнинг ўртасида алоқалар янада мустаҳкамланиб бормоқда. Бу йил Қирғизистон Республикаси “Сулайман-ТОО” миллий тарихий-археологик музейи ўзининг 70 йиллик юбилейини нишонлаш санасига музей раҳбарининг таклифига биноан археология кўргазмасининг очилиш маросимига иштирок этиш учун музей ходимларидан гуруҳи Қирғизистон Республикасининг Ош вилоятига хизмат сафарида бўлдилар.

27 апрель куни Ўзбекистон Фанлар Академияси Археологик тадқиқотлар институти билан ҳамкорликда бўлиб ўтадиган Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг «*Кўҳна замин дурдоналари*» номли Андижон вилоят Қўрғонтепа туманида жойлашган Қўштепа-2 ёдгорлигидаги тадқиқотларга бағишланган илк кўчма кўргазмасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Кўргазмага Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Академиги, тарих фанлари доктори, профессор Аҳмадали Асқаров Асқарович, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Археология Институти илмий ходими Абдуллаев Бахтиёр Маннопович, Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи директори Ихтиёр Расулов, Фарғона вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи директори Баҳодир Хошимов, Қирғизистон Республикаси “Сулаймон тоғ” тарихий миллий археологик музей комплексининг директори Султанбек Арстанбекович Абдирахмановлар ходимлари билан ташриф буюрди. Ушбу тадбирдан сўнг Қирғизистон Республикаси “Сулаймон ТОО” тарихий миллий археологик музей комплекси ва

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи томонидан музейни реклама қилиш мақсадида 200 дона чашка ва 200 дона тарелкаларга музей кўриниши ҳамда музейнинг ноёб экспонатлари тасвири туширилди. Чашкалар ва тарелкалар келган меҳмонларга тарқатилмоқда, музей ва унинг экспонатлари асосида рисолалар, буклетлар тайёрланиб музейга ташриф буюрувчиларга тарқатилмоқда. Шунингдек, музей Дамас автомобилига музей олд кўриниши ҳамда ноёб экспонатларидан намуналар тасвири ёпиштирилди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишчи-ходимларни ижтимоий ҳимоялашни амалга оширишда вилоят, шаҳар ҳокимлигининг ҳамда вилоят молия бошқармасининг кўрсатиб келаётган беғараз ёрдамлари туфайли музейимиз республика музейлари орасида ўзининг мустаҳкам ўрни ва нуфузига эга бўлмоқда. Бунинг учун музей маъмурияти уларга ўз миннатдорчилигини билдириш билан бирга вилоятимизнинг кенг қамровли аҳолисини, ўқувчи ёшларини ўлка тарихи, маданияти, санъати сирларини ўргатиш орқали Мустақил Республикаимизнинг маънавий-маърифий юксалишига катта илмий-оммавий тадбирларни амалга ошириш билан муносиб ҳисса қўшадилар.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Ўзбекидтин миллий энциклопдияси 5-тон**
- 2.Ўзбекистон ҳунармандчилиги ва амалий санъат китоби**
- 3.Интернет саҳифалари**
- 4.Архив.уз**
- 5.www.tdpu.uz www.kasu.uz**

